



АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РЎД) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ РЎД.03/30.12.2019.ҒИ.60.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ БЕГЗОДБЕК ХОЛДАРАЛИЕВИЧ

ЎЗБЕК РЕКЛАМА ЛИНГВИСТИКАСИ;
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РЎД)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон – 2020

**Филология фанлари бўйича филология доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Абдуллаев Бегзодбек Холдаралиевич Ўзбек реклама лингвистикаси: назария ва амалиёт.....	3
Абдуллаев Бегзодбек Холдаралиевич Узбекская рекламная лингвистика: теория и практика.....	23
Abdullayev Begzodbek Xoldaraliyevich Linguistics of advertising in the Uzbek language: theory and practice.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	47

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РЎД) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ РЎД.03/30.12.2019.ҒИ.60.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ БЕГЗОДБЕК ХОЛДАРАЛНИЕВИЧ

ЎЗБЕК РЕКЛАМА ЛИНГВИСТИКАСИ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛТАТИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РЎД)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мазҳуси Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/ФН.446. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автороферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (resume)) Илмий хабар веб-саҳифасининг www.adi.uz ҳамда «Ziyouet» ахборот-таълим портали www.ziyouet.uz маълумотида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Шаҳобиддинова Шехида Хошимовна филология фанлари доктори, профессор
Раъсий ошмонетлар:	Мирзоидова Муносар Илмжоновна филология фанлари доктори, профессор Акбарова Тура Акмалжоновна филология фанлари номинда, доцент
Китоби ташкилот:	Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация хабар Андижон давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Илмий даражасини беришчи PhD 03/32/2 2019/11 60/02 рақамли илмий комиссияси 2020 йил 30 ноябрь соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Маълум 170100 Андижон шаҳри, Университет кўчаси 129 уй. Тел 0(374) 223 88 14, факс 0(374) 223 88 30, e-mail адр: info@adu.uz)

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишчи мумкин рақам билан рўйхатга олинган. Маълум 170100 Андижон шаҳри, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223-88-14.

Диссертация автороферати 2020 йил 12 ноябрь кунин тарихида
(2020 йил 12 ноябрь даги 6 рақамли реестр битимини).

И.М. Улуқов
Филология фанлари бўйича илмий хабар
рақамли комиссияси аъзоси, профессор

У.Э. Раҳимов
Филология фанлари бўйича илмий хабар
рақамли комиссияси аъзоси, доцент

М.Э. Умарқашев
Филология фанлари бўйича илмий хабар
рақамли комиссияси аъзоси, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилишунослигида антропоцентризмнинг таъ олинishi лингвопрагматика, дискурсив таҳлил, когнитив тилишунослик, лингвокультурология, социолингвистика каби янги йўналишларнинг шаклланиши ва ривожланишини жадаллаштириди, янгидан-янги тушунчалар, атамалар ҳамда лингвистик таҳлил усулларини олиб кирди. Маълумки, тил жамиятнинг кай даражада тараққий этганини ўзида намоён этувчи кўзу ҳисобланади. Хусусан, давр тақозоси билан ҳар дақиқада тўқнаш келинаётган реклама дискурсининг жамият ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий ҳаётининг ажралмас қисми сифатидаги роли ва таъсири ҳам ортиб бормоқда.

Дунё тилишунослигида реклама таснифи бўйича илк ҳаракатлар XX аср бошларида юзага келган бўлса-да, аммо ҳозирги кунгача рекламанинг ягона таснифи ва таъ олинган таърифи маъжуд эмас. Шу давргача ягона хулосага келилмаганлиги сабабли реклама типологиясини тавсифлашда, асосан, стратегик белгилар ҳисобга олинмоқда. Реклама йўналиши, кўриниши, намоёни жойи ва яратилиш ҳолатини мақсудот ишлаб чиқарувчи белгилайди. Рекламанинг қайси турини танлашни, албатта, молиявий ҳолат белгилайди. Бугунги кунда истеъмолчилар тилибидан келиб чиқиб тежамвор ва мати яратилишининг замонавий кўринишлари акс этган реклама нутқи жуда тез ривожланмоқдаки, амалий рекламашунослик ва унинг назарий тадқиқи орасидаги масофани қисқартириш анча оқсамоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ривожланган жуда кўп мамлакатлар билан ижтимоий, маданий, сиёсий, айниқса, иқтисодий алоқаларининг кучайиб бораётганлиги туфайли қисқа вақт мобайнида ўзбек тили реклама матнининг ўзбек тилишунослигидаги ўрни, ўзига хос оғзаки ва ёзма мулоқот усулларининг коммуникатив-прагматик жиҳатларини ўрганиш долзарб ва истиқболли масалага айланди. Реклама матнининг лингвистик хусусиятлари эди-энди тадқиқ этилмоқда. Реклама матни тил бирликларининг лингвистик хусусиятларини ўрганиш миллий тилимизнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш билан бирга бошқа миллий маданият ва менталитет эгаси бўлган реклама берувчиларининг ниятидан келиб чиқиб, ўзбек истеъмолчисини бирор ҳаракатини амалга оширишга ундаш нутқий акти ижобий ёки салбий яқин тошини омилиларини ҳам очиб имкониятини беради. Бу эса ушбу мавзуда тадқиқ этиш заруратини белгилайди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда реклама фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида» ги Қонуни 1998 йилда қабул қилинганлиги ҳамда унга ҳозирга қадар 14 мартаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги ҳам бу масаланинг долзарблигини далилат беради. 2020 йил 9 март куни Визирлар Маҳкамасида ўтказилган кўча ва аҳоли пунктларини номлаш, пешпахаллар, реклама ва эълонларнинг давлат тилида берилиши сингари масалалар муҳокамасига бағинилган йиғилишда «...Жамоат жойлари, кўчалар, бинолар пештоқида, турли лаъха ва рекламаларнинг кўпинча бошқа тилларда ёки мастиқсиз, тушунарсиз мазмунида ва шаклда акс эттирилиши» долзарб муаммо сифатида

кайд этилди¹. Шиддат билан ривожланиётган глобаллашув жараёнида реклама воситасида, айниқса, ёш авлод оғига менталитетимизга ёт маънавий таъсирларнинг ҳам юриб келиш хавфи бу масалага, хусусан, реклама тили ва маънавий-психологик жиҳатига жиддий ёндавишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Аъшвер Намой номидagi Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4997-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада риволанштириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақсатини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий талқотот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молвилаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги «Давлат тилини риволанштириш департаменти тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 984-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга таъинли болса меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацион иш муайян даражада хизмат қилди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий риволанштиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Реклама ҳодисасини тадқиқ қилишда турли фан мутахассислари томонидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Гارب ва рус тилишуослигида Д.Оғилли, Д.Э.Розентал, Н.Н.Кохтев, К.Гарри, Х.Кафтадждиев, К.Бове, У.Аренс, И.Я.Рашков, Т.Б.Колышкова, Е.В.Медведева, Э.Д.Фирби, Э.В.Булатова Г.Литвинова, Э.Анасинова, Л.Маевская, Ю.Пирогова, Н.Гурская, С.Мартинова, Д.Зарликова, И.Моисеенко, С.Береза, И.Грилич ва бошқа кўплаб олимларнинг тадқиқотларида реклама матнининг назарий ва амалий масаллари, лингвистик жиҳатлари маълум даражада ўрганилган².

¹ <https://xat.uz/news/2020/03/09/joylabdagi-maullar-boliyati-qonirariz-shdla-ayrov>

² Розентал Д.Э., Кохтев Н.Н. Язык рекламы как текст. – М. Высшая школа, 1981. Кохтев Н.Н. Стратегия рекламы: Учеб.-метод. пособие для студентов фак. и отд. журналистики. – М.: МГУ, 1991. Гарри К. Эффективная реклама в России. – М.: Рус. партнёр, LTD, 1994. Рашков И.Я. Международное рекламное дело. – М., 1994. Учинова В.В., Старых Н.В. История рекламы. Детство и отрочество. – М.: Смысл, 1994. Кафтадждиев Х. Тексты рекламной рекламы. – М.: Смысл, 1995. Бове К., Арренс У. Современная реклама. – Тула, Логос, 1995. Искусство рекламы: теория и практика современ. рекламы. – Казань: Изд-во Казан. ун-та, 1992. Анасинова Е.В., Колышкова Т.Б. Модели анализа рекламного текста: учебное пособие // Е.В.Анасинова, Т.Б. Колышкова – М.: Форум, ИИЦ ИНФРА-М, 2013. Кохтев Н.Н. Реклама: искусство слова рекламодателя для потребителей рекламных текстов. – М.: МГУ, 1997. Словарь-справочник по рекламе, связям с обш. СМД статья, 1998 // <https://books.google.co.uz/books?id=50BSBAAAOBAJkq>. Кошариз В.Г. Как разграничить PR и рекламу? СПб. Санкт-Петербургский государственный университет, 1999. Пирогова Ю.К., Барина А.Н., Парина П.В. и др. Рекламный текст: лингвистика и семиотика. – М., 2000. Узас В., Барнет Д., Мюринер С. Реклама: принципы и практика // пер. с англ. Влад. ред. С.Г. Божук. – М.: Питер, 2001. Медведева Е.В. Рекламная коммуникация. – М.: Высшая школа, 2004. Фирби Э.Д. Как создать успешную рекламу. – СПб, 2004. Медведева Е.В. Рекламная коммуникация. – М.: Издательство УРСС, 2004. Булатова Э.В. Принцип и практика коммуникации в современной

— Реклама матни тилида шакл ва мазмун бирлиги шарти рекламанинг жозибadorлиги ва таъсирчанлигини таъминловчи тил birlikларининг ифода имкониятларини ўрганишнинг илмий асосларини яратишга хизмат қилади.

Кейинги даврда эса реклама тилини ўрганишда ҳам янгича талқин – лингвопрагматик таҳлил йўналиши кириб келди ва жадаллик билан ривожлана бошлади. Реклама матнлари, асосан, муайян адресат гуруҳларига қаратилган бўлиб, истеъмолчи сифатида реклама маҳсулотини у ёки бу даражада қабул қилдилар ва уларнинг онгида бирор қарор қабул қилиши мақсад қилиб олинади. Реклама дискурсида берилган маълумотнинг адресат томонидан қабул қилиниши масаласи когнитив-прагматик йўналишдаги тадқиқотларга йўл очиб берди. Реклама матнининг когнитив-дискурсив хусусиятлари, коммуникатив-прагматик таҳлили масалаларини ўрганиш зарурияти бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланиб қолди.

Лекин шу кунга қадар ўзбек тили реклама матни лингвистик хусусиятлари монографик тарзда тадқиқ қилинмаган ва уларнинг лингвопрагматик хусусиятлари ёритилмаган. Ўзбек журналистикаси ва матбуот тилининг бир қисми сифатида реклама матнининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди³. Хусусан, маъруза матнлари, ўқув қўлланмалар ва махсус лўғат яратилгани диққатга сазовордир. Ҳозирги кунда ўзбек тили реклама лингвистикасини ўрганишга кизиқув тобора кучайиб бормоқда ва долзарб муаммолардан бири сифатида қатор тадқиқот ишлари олиб боришмоқда⁴.

российской печатной рекламе: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2005. Ашуров О.В. Лингвокультурологическое и психо-психо-ментальное особенности языка рекламы: дисс. – канд. филол. наук. – Краснодар, 2006. Тертугова, Е.А. Речевой текст как особый тип интерактивного дискурса: автореф. дисс. – канд. филол. наук. – Иркутск, 2000. Панкова И.М. Сравнение как смыслобразующий элемент рекламного текста: дисс. – канд. филол. наук. – Ставрополь, 2006. Старикова Т. А. Функционально-коммуникативные особенности рекламного дискурса: автореф. дисс. – канд. филол. наук. – Казань, 2008. Овчин Д. Тайны рекламного двора. – Учебное пособие. – Томск: Изд-во Томского политехнического университета, 2009. Степанова Е.В. Реализация лингвопрагматического потенциала фактора адресата в рекламном дискурсе (на материале английского языка): дисс. – канд. филол. наук. Волгоград, 2010. Баранова, Е.В. Средства речевого воздействия в русском рекламном тексте: экспериментальное исследование: дисс. – канд. филол. наук. – Тамбов, 2013. Кромейко А. Мастерская рекламного текста // Условно референтный определенности слов. – Рига, 1991. Пирогова Ю. К. Извлеченная информация в рекламных текстах // Реклама и жизнь. № 9. – 1999. Шадрин Е. Психологические аспекты рекламы // Рекламные технологии, 1999. – № 4 (17). Павлова Е.С. Препозиционный рекламный текст в структуре мультимедийного воздействия // Слово. Символ. Сознательность: социокультурные координаты (к 110-летию со дня рождения Н. П. Гриняевой). Мат-лы Всероссийской конференции, 2006. Горюнов А.А. Языковые прилагательные союзных характеристик адресата и адресата в рекламе // Русистика и современность. Том 1. Материалы X международной научно-практической конференции. – СПб, 2007.

³ Шайбеков Г.У. Жадонимиче билан асослар ва матбуот хизматлари Маърузалар матни. – Т.: Университет, 2008. Тохировни Э.Т. ОАВ рекламалари услубини назардан ва анализни. – Т.: Университет, 2006. Гайфоров И.Н. Оқимайиб асборот воситаларида реклама. Маърузалар матни. – Т.: УМУ, 2000. Умарқов А.М. Интернет рекламалар жадонимиче фирмини шаддонимиче воситаси сифатида // НамДУ илмий жабиротномаси, 2018. 4-сон. Маликова Ф. Рекламанинг юксак ва жадонимиче қайталиги ўрни? ҚарДУ жабиротни, Қарши, 2019. Нестеров Ф. ва бошқ. Лўғат-маълумотнома. Журналистика, Реклама, Наболи Ринейнни, 1700 атича. – Т.: Зар қалми, 2003.

⁴ Юнусов Ш.М. Ўзбек матбуот рекламалар тилининг лексикаси, Маъмуров Э.Д. Ўзбек тилида реклама тили, Маширов Д.Ш. Ўзбек реклама матнларини содиқонимиче тадқиқи // Ўзбекистон Республикаси Ваширар Мақамаси ҳузуридаги Олий Аттеширар Комиссияси, 2019 йил, 3-сон

Таджикотнинг диссертация бажарилаётган олғий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган «ОГ-Ф1-18.Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Таджикотнинг мақсади ўзбек тили реклама матни ва реклама дискурси жозибadorлиги ва таъсирчанлигини, адресат онгида бевосита ва билвосита синтезлашувини таъминловчи тил бирликларининг коммуникатив ва лингвопрагматик хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат.

Таджикотнинг вазифалари:

реклама матни назарий ва амалий жиҳатлари ҳақида билдирилган жаксон тилшунослигидаги фикр-мулоҳазаларга муносабат билдириш;

реклама матни тадқиқот усуллари тадрижий тараққиёти муаммосининг ўзбек тилшунослиги ва услубшунослигида ўрганилган ҳолатини илмий-таълимий таҳлил қилиш ва баҳолаш;

реклама матни турларини таснифлаш;

ўзбек тили реклама матнининг коммуникатив-услубий хусусиятлари ҳамда реклама турлари ва композицион хусусиятларини ёритиш;

ўзбек тили реклама матни экстралингвистик ва лингвистик хусусиятлари моҳиятини ёритиш;

реклама матни тил бирликлари мисолида тил ва маданият уйғунлигини очиб бериш;

Ўзбекистонда тижорат реклама маҳсулотларининг оммавий маданият ҳодисаси сифатида таъсири масаласини таҳлил қилиш;

замонавий реклама дискурсида мақсадга йўналтирилган тил бирликларининг лингвистик имкониятларини ўрганиш.

Таджикотнинг объекти сифатида саралаб олиш йўли орқали 200 та реклама матни танланди.

Таджикотнинг предметини ўзбек тилининг замонавий тадрижида реклама матилари лингвистикасининг назарий ва амалий аҳамияти, умумий лингвистик ва лингвопрагматик қонуниятларининг рекламада хусусий воқелиши табиати ва имкониятларини белгилаш ташкил этади.

Таджикотнинг усуллари. Мавзунинг ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, семантик-стилистик, компонент, контекстуал ҳамда лингвопрагматик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Таджикотнинг илмий интилиши куйидагилардан иборат:

XXI асрда юзага келган ижтимоий воқелик таъсирида шакллантирилган ўзбек тилидаги рекламаларнинг таснифлашнинг ва турларга ажратиш назарияси таҳлил қилинган, реклама турлари биринчи марта таснифланган; реклама матни институционал дискурсининг бир тури сифатида талқин қилинган ва реклама дискурсининг асосий хусусиятлари тавсифланган;

реклама ва эълонларнинг фарқлаштириш, рекламага «оммавий маданият» нинг таъсири масаласи тадқиқ этилган ва реклама лисоний матнининг таркибий қисмлари (сарлавҳа, слоган, ктематоним) тавсифланган;

Ўзбек тили реклама матнидаги турли хил – фонетик (аллитерация, ассонанс), лексик (исалогизм, метафора, метонимия, синекдоха, персонафикация), синтактик (конверсия, синтактик адективация) воситаларининг реклама таъсирчанлиги, ўзига хослигини таъминлашдаги ўрни ёркинлаштирилган;

гапнинг ифода маънасида ва тузилишига кўра турларининг реклама матнидаги услубий имкониятлари ва реклама матнининг асосий ва иккитомламчи коммуникатив функциялари таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Ўзбек тижорат дискурсида деярли фарқланмай қўлланайдиган реклама жанрлари фарқлаб берилган;

рекламани самарали қилувчи лексик ва стилистик омиллар кўрсатилган;

слоганининг рекламадаги ўрни очиб берилган;

рекламанинг ижтимоий йўналишлари учун амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалда жорий этилгани, олинган натижаларнинг баҳолаш ва таъкидлаш томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбек тилида реклама илк бор монографик шаклда тадқиқ этилгани, унинг жанрлари таснифлангани, таъсир механизми ҳамда самардорлиги омилларининг аниқлангани билан белгиланади;

тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан олий таълим муассасаларининг филологик йўналишлари талабаларига «Ҳозирги Ўзбек адабий тили», «Прагматик лингвистика», «Социолингвистика» фанларидан дарслик ва қўлланмалар яратишда, тижорат лингвистикаси бўйича махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, шунингдек, рекламалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек реклама

лингвистикасининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ натижалари асосида:

маъкур диссертация материаллари ва натижаларидан Андижон давлат университетида бажарилган 2017-2020 йилларга мўлжалланган «ОТ-Ф1-18 Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги фундаментал дойиҳда таъбиқий тилшунослиқнинг ўта долзарб ва кам тадқиқ этилган соҳаси реклама лингвистикаси борасидаги дунёдаги тажрибаларни жамлашда, реклама турлари ва хусусиятлари, рекламага ёндош ҳодисалар тадқиқотида, турли социологик гуруҳларнинг реклама қабулловидаги ўзига хосликларни аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълими вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 89-03-4310 сонли маълумотномаси). Натижада реклама компонентлари ва психолингвистик хусусиятларини ўрганишга хизмат қилувчи қонуниятлар аниқланган;

тадқиқотдаги реклама матнининг коммуникатив-прагматик хусусиятлари, реклама дискурсининг асосий хусусиятлари, реклама матнларининг

коммуникатив-прагматик йўналирида тил воситаларининг роли, реклама матнида тил ходисалари ва экспрессив услубларнинг шиклланиши ҳақидаги назарий қарашлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Махалла» телеканалида намойиш қилинган «Global medical sentre» клиникаси ва «BIO-SUT» сўт маҳсулотларининг реклама маҳсулотларини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Махалла» телеканалининг 2020 йил 1 июлдаги 02.10.316-сон маълумотномаси). Натижада ушбу реклама маҳсулотларининг асосий таъсирчанлиги оширилган;

тадонқотнинг реклама матларида бадий таъсир воситаларининг қўлланилиши билан боғлиқ масалалар боради натижаларидан Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг аъзолари – «Идрок» МЧЖ, «Sabina savdo eliti» МЧЖ, «Oydin Yo'l durdonasi» МЧЖ, «Oltinko'l nasilli partanda» МЧЖнинг реклама маҳсулотини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатаси 2020 йил 1 июндаги 164-0620-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек реонамисига илмий ёндашиш таъминланган ва таъсир кучи оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадонқот натижалари 7 та, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 141 бетни ташкил этади ҳамда жадиваллар илова қилинади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий ва амалий аҳамияти шиклланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тарихинининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий аҳлиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижалар асосида тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Реклама концепцияси, функциялари, асосий хусусиятлари ва вазифалари»** деб номланган биринчи бобида реклама тарихи, асосий хусусиятларига оид назарий ва амалий манбалар ўрганилган ҳамда улар янги назарий фикрлар билан бойитилган. Боб 4 бўлимдан иборат бўлиб, 1-бўлимда *«Ўзбек тилида рекламалар таснифи ва турларга ажратилиш назариси»* тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилган. С.И.Ожегов, Ф.Котлер, Е.В.Медведева, Л.Г.Февченко, А.Н.Мудров каби тилшунос ва яқинсончи

олиmlарнинг **реклама** тушунчасига берган таърифларига муносабат билдирилди ва умумлаштириш асосида реклама тушунчасига қуйидагича таъриф берилди:

Реклама талабгор (ишлаб чиқарувчи ёки хизмат таълиф қилувчи) томонидаги истеъмолчиларга муайян маҳсулот, шахс, гоё ёки хизмат кўрсатиш, уларнинг қулайлик ва афзалликлари ҳақида бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида хабар, тавсия бериш, намойиш қилинидир.

Буюртмачилар учун қулайлик яратиш мақсадида реклама маҳсулотидаги аниқ мақсад, қулай шaroит, таниш ва нотаниш ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда турларга ажратишга эътибор кучайган. Шу давргача ягона таснифга келинмагандлиги сабабли реклама типологиясини ташкил қилишда, асосан, стратегик белгилар ҳисобга олинмоқда. Реклама йўналиши, кўриниши, намойиш жойи ва яратилиш ҳолатини маҳсулот ишлаб чиқарувчи аниқлайди. Рекламанинг қайси турини танилаштириш, албатта, молиявий ҳолат белгилайди. А.А.Романов ва В.А.Полдюковлар таснифида ҳам масаланинг моҳиятини тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилинган⁵. Реклама иши кенг тармоқли бўлаётгани учун уларни таснифлаш ва турларга ажратиш мураккаб масала бўлиб қолмоқда. Диссертацияда мавжуд қарашларни умумлаштирилган.

Бобнинг иккинчи бўлимида *«Реклама ва эълонларнинг фарқлашиши»* муаммоси ўрганилди. Рекламанинг луғавий маъноси ҳамма маъбаларда бир-бирини аниқ маънода изоҳланади. Биз эса қуйидагича изоҳлаш ўринли деб ҳисоблаймиз:

Реклама – бирор бир юридик фаолиятга эга компания ёки ташкилотнинг бозор иқтисодиёти рақобатлигинидаги етакчи қуролидир. Реклама маҳсулотининг асосий вазифаси ишлаб чиқариш ҳажмига эга маҳсулот, таълиф қилинган хизматларни истеъмолчига танитиш ва таъсир доираси кучли лексемалар билан маҳсулот хусусияти, қулайлиги, фойдали жиҳатлари, манзили ҳақида коммуникатив восита бўлинидир.

Эълон – арабчадан олинган бўлиб, кўнчиликка маълум қилиш, билдириш, хабарнома. Кўнчиликка етказиш зарур бўлган хабар, янгиллик, буйруқ, фармон, шундай хабарлар ёзилган ҳужжат, қоғоз, билдириш⁶.

Эълонларнинг мақсад ва вазифалари давлат ва ташкилотлар органларининг фаолиятига боғлиқ янгилликлар, нотижорий фаолият (байрам тадбирлари, илмий, сиёсий ёки иқтимоий йиғинлар) мақсадида аҳолини оммавий ёки элитар тарзда қорлов, огоҳлантиришлар, шахс ёки компаниянинг меҳнат фаолияти хабарлари (иш ёки ишчи сўраб), статистик маълумотларни хабар орқали жамиятга етказишдан иборатдир.

Ўзбек нотижорат реклама матнлари ва эълонлар ўрганиб чиқилди ҳамда тахлил қилинди. Юқоридаги таърифлардан фарқи равишда эълонларни икки турга бўлиди: «эълонлар» ва «реклама эълонлари».

Эълонлар, одатда, 100 белгидан ошмайдиган контекстдан ташкил топади. Демак, эълонлар дивидани жалб қилиш воситаси, реклама эса - савдо воситасидир⁷.

⁵ Романов А.А., Полдюков В.А. «Рекламный менеджмент». Учебное пособие. – М., 2011. – С.3.

⁶ Ўзбек тили эълон луғавий. А.Маддалов таърифи остида. –Т., 2011. – Б.66.

⁷ <http://vse-zdel-uzb1.com/reklama-ofichnetya-ot-ob-yavleniya.html>

Реклама эълонларининг рекламадан фарқи буюртмининг давомийлиги, намоён этиш жойи ва вақти, намоён турлари ёки истеъмолчига таъсир этиш воситалари (аудио, видео, босма), йўналиши, ҳажми, буюртмачи маъкеи, ижтимоий турининг мавжуд эмаслиги, асосан, ктематоним ва слоган компонентларининг йўқлиги, босма шаклда намоён қилиниши эҳкатларидан сезилиб туради.

Бобнинг учинчи бўлими *Реклама орқали «оммавий маданиятнинг таъсири* масаласига бағишланади. **Оммавий маданият** – гарб дунёсида шаклланган бўлиб, «пон-кудатура» (оммавий маданият) деб аталади. Гарби «маданият» деб аталса-да, аслида, мақсад-ниятига кўра чинакам маданиятнинг кушандасидир⁸. Бу таърифга эътибор берсак, оммавий маданият чинакам маданиятга, яъни инсониятнинг маънавий онгини ривожлантирадиган маданиятга салбий таъсир этишини назарда тутмоқда. Тановли Америка адаби Р.Бредбери айтганидек, «оммавий маданият» мактабидан ўтган ашод учун ҳаётнинг маъноси – автомобиль, телевизор, муздаткичга эга бўлиш⁹. Демак, мақсад марказида инсон қадр эмас, моддий эълода туради. Бунинг натижасида инсониятнинг маънавий дунёси эмас, моддий дунёси аниқ ҳисоблана бошлади.

Реклама инсон учун зарур вақт, одамийлик, урф-одат, менталитет каби тушунчалар моҳиятини смиралдиган «вирус» – оммавий маданиятга тарғиб қилиш курали – манипулятор сифатида инсон онгини эгаллаб бормоқда.

Алеҳда реклама роликлари яратилаётганда, намоён қилинадиган дунёнинг миллий маданияти, менталитети, ақалдан сивланиб келётган қадриялари, дини ҳисобга олиниши зарур. Чуақи реклама маҳсулоти жуда кўп тиверорланди ва инсон онгининг ситтез қилиш даражаси юқори бўлди, натижада истеъмолчида намоён қилинаётган воқеливоқа кўнжма ҳосил бўлади.

Биринчи бобнинг тўртинчи бўлими *«Реклама матиларини ахборот бирлиги сифатида түари шакллантириши»* деб номланади. Реклама ҳар доим ахборот манбаи сифатида маҳсулотни истеъмолчига тавинтиради, қизиқтиради, оммалашуви ва келажакни таъминлайди, маҳсулот айланмасида катализаторлик вазифасини ўтайди. Шунинг учун «сидо генератори», «сааво дигитали» деб ҳам атайдилар.

Реклама матни соада, куцлавиқ ҳаётимизда кўп ишлатиладиган лексемалардан ташкил топини, қисқа ва аниқ жумлаларда ифодаланиши керак. Аммо беъзи рекламаларда бу қондаги амал қилинади. *«Nesle» - гиттоаллерген озуқа ва мустиқкам иммунитет*. Ушбу реклама матнида ишлатилган *«гиттоаллерген»* атамаси оммага кўп ҳам тивин эмас. Бу сўз тиббиёт ходимларигагина тушунарли, холос. *«Viko» шарбати - менинг ёси талловим, Moximo!* Ушбу жумлада ҳам маъно бор, аммо *«Moximo»* тушунарсиз. Реклама маҳсулоти қай даражада ривожлантирилган бўлмасин, унинг матни етлачи восита бўлиб қолаверади. Шунинг учун матини гивелаштирадиган қонилиқлик, обструкциялизм қабиалардан қочини, тил бирликларидан мақсадин фойдаланишда миллий менталитет ва ижтимоий ҳаётга кўпроқ эътибор берини самаралироқ бўлади.

⁸ <http://fkr.uz/blog/22163.html>

⁹ <http://www.uz.ru/novosti/702376/>

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Реклама матнининг таркибий жиҳатлари**» тадқиқ этилган бўлиб, реклама матнининг ўзига хос шакллари, таркибий қисмлари, лексик ва синтактик хусусиятлари таҳлил қилинган. Биринчи бўлим «*Реклама матнининг ўзига хос шакллари*» хусусида баҳс юритади. Оммавий ахборот воситалари бошқа маълумотлар сингари реклама маҳсулотини газета, журнал, телевизион дастур, радиоэффирларда тўлиқ форматли оммавий ахборот кўринишида тарқатишга ўз хиссасини қўшади. Кўп қиррали медиамати концепциясини ўрганиш жуда муҳим саналади. Барча вербал ва невербал компонентлар: овоз, графика, тасвир, оҳанг ва бошқалар йнгииндасини ҳам ўз ичига олади, уларнинг аниқ тўплами **медиа реклама** воситасига боғлиқ ҳолда ривожланади. Медиамати яратилганда креоллашув жараёни юзага келади ва бу билан ҳар қандай реклама матни оғзаки-график ёки аудио-визуал тимсолларнинг яхлитлигида реклама сифатида қабул қилинади.

Рекламаларнинг яна бир тури **индоор** рекламалар саналади. Бунинг ўзига хос хусусияти шундаки, реклама қилинаётган маҳсулот учун тайёрланган роликдаги маълумотлар намойиши вақти чегараланмайди. Индоор рекламалар умумий оқватлашни масканларида, транспорт воситаларида ва турли семинар ва кўргазмаларда такрорий тарзда намойиш қилинади. Бунда реклама матни янгилик хабарига ўхшайди, чунки бу маълумотлар кўпроқ вақт оралиғини ўз ичига олади ва маҳсулот ҳақидаги барча маълумотларни ўзига мужассам этади. Аммо, эса тутин керакки, биз фақат қисман ўхшашлик ҳақида гапирармиз. Янгилик матилари кун бўйи доимий янгиляниб турадиган шаклда такрорланади, реклама матиларининг таъсири эса узокрок такрорлаш даврига ва барқарор ўзгармас шаклга асосланган.

«Хабарни такрорлаш» белгиси хабар қабул қилувчига кўп марта такрорланиши мумкинлигини аниқлатади. Реклама матни кўп такрорланиши билан истемолчи онгига ўрнашиб олади. Шунинг учун инсон руҳини хусусиятлари эътиборга олинса, мақсадга эришилади. Реклама модели АИДА (*инглизча* AIDA – Attention – диққат, Interest – қизиқиш, Desire – истак, Action – ҳаракат) атамаси 1896 йилда америкалик реклама берувчи Эдмер Лоис томонидан таклиф этилган¹⁰. Ушбу модел рекламанинг психологик таъсирини босқичма-босқич аке эттиради. *эътиборни жалб қилиш – қизиқиш уйғотиши – маҳсулот ёки хизмат ҳақида аниқ далиллар бериши – қарор қабул қилиши – ҳарид қилиши*. Шундай қилиб, реклама матилари антропоцентризмга асосланади, чунки ҳар қандай мати инсон эҳтиёжларига хизмат қилади.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими «*Креоллашган реклама матни*» таҳлиliga бағишланади. Реклама матинини лингвистик ва экстралингвистик омиллар бириляниб, ижобий прагматик мақсад амалга ошириладиган график жиҳатдан тўлиқ мати бирлиги сифатида англаш мумкин. Истемолчининг ёши, жинси ва дунёқарошига кўра қайсибир жиҳат ўзига жалб қилиш хусусиятини ҳисобга олиб, реклама маҳсулотлари матиларида вербал ва невербал элементлар қўланади. Бундай матилар креоллашган ёки креолитик мати дейилади. Креолитик мати тушунчаси 1990 йилда Ю.А.Сорокин ва Э.Ф.Тарасовлар томонидан киритилган. Испан ва португал иммигрантлар билан

¹⁰ Уэллс У., Бернет Д., Моррарти С. Рекламни – теорияси ва практика. Санкт Петербург, 1999. – С.776

маҳаллий аҳолининг аралаш нискоҳ фарзандлари **креоллар** (французча *creole*; испанча *criollo* ва португалча *crioulo*; лотинча *creage* «яратмоқ, тарбияламоқ» сўзидан) деб номланган. Креоллар Лотин Америкасида тутилган ва яшайди¹¹. Тилшунослиқда бу атама икки ёки ундан ортиқ тилларнинг ўзаро таъсири натижасида қориниқ тилнинг ҳосил бўлишини англатади. Шу асос матнга инебатан қўлланганда, креолизация лингвистик ва паралингвистик усулларда бириштирилган матн тушунчасини ифодалайди¹². Креолашган матнлар «семиотик жасхатдан бойитилган» матнлардир. Мулоқот жараёнида сўз ва тасвири синтез қилиш бир қатор янги жаирлар ва визуал санъатнинг пайдо бўлишига асос бўлди. Вербал матнларни креолаштириш йўли билан график таркиб, шунингдек, матн маъмунига таъсир қолувчи барча дизайнларни ўз ичига оладиган таркиб ёки компонентлар мавжудлиги аниқлади. Улар орасида прифт, ранг, матнли фон (рангли ёки тасвирланган), тил бириклари, тасвири босма нақшлар (пиктограммалар, идеограммалар ва бошқалар), оғзаки матннинг график кўриниши (расм шаклида ва ҳоказо) ўзига хос ўринни эгаллаши керак.

Креолашган матн таркибидаги вербал унсурларни тилшунослик ўрганса, новербал унсурлар объектига кўра тегишли соҳалар таркибида ўрганилади. Мисол учун, расм ва рангли рассом ёки дизайнер, визуал эффектларни информатика, куй ва акустик товушларни мусиқашунослик фанлари ўрганади. Тайёр бўлган креолашган матнли реклама маҳсулотини эса тилшунослик, лингвокультурология, психология ва бошқа фанлар тадқиқ этади. Кўриниб турибдики, креолитик матнни яхлит ҳолда таҳлил қилиш биргина соҳанинг иши эмас.

А.А.Бернацкая вербал ва новербал унсурлар уйғунлигида яратилган матнлар учун «*полюкодли матн*» атамасидан фойдаланишини таклиф қилади¹³. Ушбу атама реклама матнида бир неча компонентларнинг мавжудлигини аниқ тасвирлайди, шунинг учун биз кўрсатган мақсадлар учун ишлатилиши мумкин. Креолитик матнларда визуал бириклар иштирок этишининг аҳамиятли томони шундаки, реклама маҳсулотини бошқа тил жамоаси вакилларига ҳам тушунтириш осон бўлади. Мисол учун, «Coca-cola» ичимлигида фон, расм ва мусиқа иштирокидаги реклама маҳсулоти танланса, бошқа тил вакиллари учун ҳам тушунарли бўлаверди.



¹¹ Сервантс Ю.А., Тарасов В.Ф. Креолизация: теория и язык коммуникативных функций // Оптимизация речевого взаимодействия. – М. 1990. – С.180-186.

¹² Чижикова С.Н. Вербальные и невербальные компоненты в рекламных текстах (на примере мультимедийных презентаций) // Коммуник., 2016. – №2. – С.7.

¹³ Бернацкая А.А. К проблеме креолизации текста: история и современное состояние // Специализированный вестник / Вып. 3 (11). – Красноярск, 2009. – С.109.

Бобнинг учинчи бўлими «*Реклама матни тузилиши ва намоёни этики усуллари*» деб номланади. Ўзбек тижорат реклама матиларининг алоҳида аҳамиятта эга бўлган иккита компоненти мажмуд: реклама хабарлари ва реклама воситалари. Улар бир-бирига боғлиқ бўлиб, барча рекламалар учун умумий компонентлар саналади.

Қизиқтиришда мусоқа, юлдузлар, технология, акция ва қулайликлардан фойдаланилади. **Таништиришда** йўл чети, тоғ ва баландликлар, бино деворлари, бузуллар, транспорт воситалари, интернет саҳифалари, газета ва журналлар, видеороликлар, семинар ва концертлар орқали савдо белгиси номлари намоён қилинади.

Реклама матнида асосий маълумотларни етказиш учун тузилиш жиҳатидан муҳим аҳамиятта эга бўлган компонентлар қуйидагилар: а) **сарлавҳа** реклама маҳсулотининг асосий компонентларидан ҳисобланади. Истеъмолчи диққатини торттиш, жалб қилиш учун асосий қисмининг қисқача мазмунини ўзида мужассамлаштиради. Кўпчилик истеъмолчилар реклама сарлавҳаси орқали таҳлил қилади ва мати мазмунини англаб олади; б) **ктематоним** (юнонча ктема - «муло» + онима «ном») – савдо белгисининг оғзаки компоненти¹⁴. Реклама қилинаётган ҳар қандай маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш ўз савдо белгисига эга. Ана шу савдо белгиси кўрсатишган ктематоним истеъмолчилар онгига шаклланиши осон бўлади ва рекламда ўз вазифасини аъло даражада бажаради. Шахс рекламасида исмларнинг ўзи ҳам ктематоним ҳисобланади; в) **слоган** (реклама шiori, лозунг, девиз) – қисқача мазмун ва реклама маҳсулотининг аниқ ифодаси сифатида аниқ ва осон гоё тузилади ҳамда идрок қилинади. («*Билайн*» - *ҳаётининг ёрқин тарафида бўл!*, «*САИФ-оптима*» - *дунё кўз ўнгингизда янгиланади*, «*Велла!*»*Соғлиқ сувга боғлиқ!*); г) **асосий (тарҳловчи) қисм** барча зарур маълумотларни истеъмолчига етказиши. Реклама қилинаётган маҳсулотнинг функционал имкониятларини қисқа ва ифодали услубда ифодаланиши назарда тулади. 1-2 та **динамик жумлада** баён қилинади; д) **хулоса** қисми компания ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади: *бизнес манзили, харитадаги ўрни, алоқа рақамлари, веб-сайт ва электрон почта манзили, лицензия (компаниянинг бу фаолият билан шуғулланиши ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар) сертификат ва акциялар*. (Бу ўринда тушунчаларга қисқача тўхталиб ўтдик, бобнинг кейинги параграфларида сарлавҳа, ктематоним ва слоган компонентлари батафсил таҳлил қилинади.)

Иккинчи бобнинг тўртинчи бўлимида «*Реклама матни лексик хусусиятлари ва неологизмлар тарғибмаси муаммоси*» талқин қилинади.

Барча реклама матилари учун умумий талаблар қуйидагилардан иборат:

- тилининг соддалиги (оддий ва қўпол сўزلардан фойдаланилмаган ҳолда);
- ахборотли ва далилли;
- тўғрилиги ва бетакорлиги (ёрқинлик) билан ажралиб туради¹⁵.

Бугунги кунда реклама матиларида *сезьфи, мобиа, дисайн, гаджет, блузет, wi-fi, граффик, ракурс, клипмейкер, саундтрек, микро, макро, глобал,*

¹⁴ Язык в слове современной рекламы: за и против // <https://studbooks.net/921666/>

¹⁵ <http://life-prog.ru/>

фонограмма, дилер, офис, брокер, бизнес, презентация, лицензия, шотинг, маркетинг ва бошқа кўплаб неологизмлардан фойдаланишмоқда. Бундай сўзлар, нафақат мутахассислар, балки турли ижтимоий ва демографик гуруҳ вакиллари орасида ҳам тушунишмочликларга олиб келиши мумкин, лекин вақт ўтиши билан тушунувчилар аудиторияси кенгайиб боради.

- 1) «САИФ – оптимал» кўз микрохирургияси – дунё кўз ўнгинидада янгилади.

- 2) Музыффар Мирзақаримов «Лалажон» номли концерт дастурига таклиф этади. Кўшиқлар фонограмма орқали ижро этилади.

Рекламада русча ва инглизча сўзларда таржима муаммоси ҳам mavjud. Кўплаб рекламаларни ўзбек тилига таржима қилишда адабий тил меъёрларига амал юлтинмай, сўзма-сўз таржима қилинади. Бу билан рус ва инглиз тилидан таржима қилинган айрим рекламалар тушунарсиз ҳолда намойиш қилинмоқда.

1. «Twix» *об, танаффус қил!!!* «Твикс» шоколади. (Бекат афишасида)

2. «Насоука» *international!!!* «Иванушка» шоколади. (Бекат афишасида)

3. «Сникерс» *ни тўхтатма!!!* «Сникерс» шоколади. (Бекат афишасида).

Айрим мақсулат номлари ҳам (blend) инглиз тилидаги сўзлардан иборат бўлиб қолмоқда. Бундай номларни танлаш замонавийлик ва янгилик руhini тяминласа-да, реклама жараёнида гализликка олиб келади. Бетдан мақсулот(хизмат)лар рекламаси тушунарли тарзда намойиш қилинса-да, ўзбек тилборқорлари томонидан қўйиладётган бундай ёт номлар ўзини оқлатмайди:

1. «Get club» *чегараланмаган мақдордаги дарслар!!!* Ўқув маркази. (Бино олд томонида)

2. «Noviss» *Rinas – тўй ва оқшом либослари салони!!!* Тўзалик салони. (Кўчма афишада)

Чет тили сўзларининг ҳаммаси ҳам неологизм ҳисобланавермайди. Сўз инфодалётган ирелмет ёки тушунча тилимиз учун мутлақо янги бўлиб, ўзбек тили дугатиде бу сўзнинг муқобили бўлмаса, бундай сўзлар ўз-ўзида нутқимизга кириб келади ва даврлар ўтиши билан халққа тушунарли бўла боради. Аммо ўзбек тилида муқобил варианты бўла туриб, бўлар-бўлмагани чет тили сўзларини ишлатиш тилимизни кашшоқлаштириб, туб яллизларидан узоклантириди. Масалан, ҳозирги кунда тез-тез қўлланиладиган *эксклюзив (қўтилмаган), маркет (бозор, дўкон), мода (урф), хотель (меҳмонхона)* каби сўзларнинг ўзбекча вариантини қўллаш мақсадли мувофиқдир.

Иккинчи бобнинг охириги бўлмида «Реклама матни синтактик хусусиятлари» тадқиқ қилинган. Реклама матни дунёдаги энг қисқа ва энг қиммат ахборот манбаи бўлиб, демографик маъдонни кенгайган сари сарф-ҳаражатлар миқдори ҳам кўнаиб боради. Шунинг учун реклама матнидаги эксемаларга юклатилган вазифа қанчалик муҳим ва қимматбахот этиши зарур. Шу тарика, реклама матнларида бир компонентли – структуралли жумлалардан фойдаланиш ҳолатлари 80-90 % ини содда гап конструкциядан иборат бўлган жумлалар жуда кўп қўлланилади. Масалан, *Халқ танлови!* («Артел» мақсулотлари), *Чинакам ҳаёт!* («Сочная долина» шарбати), *Мевали нагатагани* («Долче фреш» шарбати).

Ўзбек тилидаги реклама матиридаги содда гап кўринишидаги предикатсиз ёки фақат предикатнинг ўзидан иборат жумлалар ҳам учрайди:

- **Предикат иширини тарзда ёзилади:** «Дубай» сухариклари. *Тез ва мазали*(дир)!, «Мишғор» чойи. *Хушбўй ва енгил*(дир)!

- **Предикат тушириб қолдирилади:** Sale – 70 % *гача чегирма*(бор)!, «Скорпион» – 1 декабрдан юртимиз кинотеатрларида (намоён этилади)!

- **Тўлиқсиз гап шаклида ёзилади:** «Uz Study» ўқув маркази – *Келажакка «Uz Study» орқали...!*

- **Предикатнинг ўзи ёзилади:** «Билайн» – *Етакчи. Ишончли. Инновацион.*, «Блесс» – *Мазали. Фойдали. Ажойиб.*

Реклама матида муҳим коммуникатив-прагматик функцияларни бажарадиган сўроқ ва рағбатлантирувчи гаплар ҳам қўлланилади. Сўроқ гаплар истеъмолчини ўзига жалб қилади, диққатни жамланга ундайди. «Bliss» - *сизнинг севимли тўғилиш қандай?* «Snickers» - *кўпроқ арахис керакми?* «Кредит маркет» - *сиз қўнларингиз учун совга ташладингизми?*

Ўзбек халқи менталитетида «оилам ва фарзандларим» деган инсон бахтли саналади. Шунинг учун реклама матида оила ва фарзанд учун аталганлик ишорасини берувчи лексемалар истеъмолчини рағбатлантиради. «Family» - *сизнинг оилангиз суви!*, «Bliss» – *دادالар «Bliss»ни тавсия этадилар!*, «Болалар боғи» - *бахтли болалар - бахтли ота-оналар!*

Ўзбек реклама матирида рағбатлантирувчи жумлаларни ҳақдан зиёд ишлатиш, кўпинча эҳтиётсизлик ва ишончсизликни келтириб чиқаради, чунки инсон ақли онгли равишда ҳар қандай буйруқ ва кўрсатмаларга қарши туради. Шунинг учун реклама берувчининг мақсади шунчаки кўрсатиш ва ундаш ўрнига таклиф қилиш шаклида ифодаланиши керак. «Fastum гель» - *сериқсиз ҳаёт - бизнинг мақсадимиз.*, «Art house» - *янги маҳсулотлар келиши!*, «Регистон» ўқув маркази - *вақтингизни деворга уриб, ундан эшик пайдо қилишга сарфлагани!* каби матилар мазмунни сотиб олишни аниқлатмайди, балки шунчаки маҳсулот билан танишишни таклиф қилади, бу эса ўз навбатида истеъмолчида кўпроқ ишонч уйғотади.

Реклама матида шундай прагматик ёндашишлар мавжудки, матидаги мурожаат ёки таклиф маҳсулотга эмас, балки тўғридан-тўғри қабул қилувчига қаратилган бўлиб, яқинлик ҳисси билан унинг ички туйғуларига таъсир қилади ва истеъмолчида кўпроқ ишонч ҳосил бўлади. «Бионур» клиникаси - *сизнинг соғлигингиз ҳақида биз қайғураемиз.*

Диссертациянинг учинчи боби тўрт бўлимдан иборат бўлиб, «Реклама матидаги тил ҳодисалари ва прагматик хусусиятларнинг шаклланиши» деб номланади. Ушбу бобда реклама матинининг соңнологик-психологик томони, эмоционал таъсири, истеъмолчини реклама қилиниши керак бўлган маҳсулотларни сотиб олишга уйдовчи коммуникатив-прагматик хусусиятлари ва уларга таъсир этувчи лисоний воситаларни ўрганишга ҳаракат қилинди.

